



“Involta” Ilmiy Jurnalı

Vebsayt: <https://involta.uz/>

XIX ASR OXIRIDA KOREYDA YUZ BERGAN ʻZGARIŞLAR VA IMPERIYANING ʻZLON QILINIŞI

Урунов Хасан Раимович

СамДУ, тарих факультети, «Жаҳон тарихи» кафедраси магистранти

Аннотация: мазкур мақолада XIX асрнинг охири Корейда юз берган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ёритиб берилган бўлиб, Корея тарихидаги ягона бўлган империянинг ташкил қилиниши воқеалари акс эттирилган.

Калит сўзлар: Корея, Сўнгги империя, Чосон, Япония, Россия, Хитой, Рус-Корейс банки, Император, «Буюк Хан».

КИРИШ: 1897 йилнинг октябрь ойидан 1910 йил 29 август санасигача бўлган давр Корея тарихида “Сўнгги империя” даври сифатида кўрсатилади. Албатта кўриб ўтилаётган қисқа тарихий давр Корея давлати ва корейс халқи тарихининг муҳим давларидан бири бўлиб, Чосон қироллигида сулола алмашинуви билан изоҳланади.

Мазкур сулола ҳокимият тепасига келиши билан мамлакатни империя деб ʻзлон қилиш баробарида мамлакатнинг номланишини “Буюк Корея империяси” деб номлайди. Империя бошқаруви даврида ислохотлар амалга оширилиб,

улардан кўзланган асосий мақсад Кореяни ғарблаштириш, мамлакатни замонавийлаштириш, ҳарбий, иқтисодиёт, ер эгалиги, таълим ва бошқа барча соҳаларни ривожлантиришдан иборат бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ: Мақоланинг илмий жиҳатдан ўрганилишида бир қатор илмий адабиётлардан, мақолалардан фойдаланилди. Жумладан: Hulbert Homer Bezaleel. “The History of Korea”, рус тарихчиларидан – Заборовская Л. В. “Политика Цинской империи в Корее в 1876-1910 гг”, Курбанов С. О. “История Кореи: с древности до начала XXI в”, Тихонов В. М. “История Кореи”, шу билан корейс тарихчиларидан – Пак Б. Д. “Россия и Корея”, Тягай Г. Д., Пак В. П. “Национальная идея и просветительство в Корее в начале XX в” кабилар.

НАТИЖАЛАР: 1905 йилда Япониянинг ҳукмронлигининг ўрнатилиши, 1910 йилда эса Япония мамлакат устидан ўзининг тўлиқ назоратини ўрнатиши империянинг тугатилиши билан якунланади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Узоқ Шарқнинг деярли барча давлатларида жуда жиддий сиёсий ўзгаришлар юз бера бошлади. Албатта мазкур ўзгаришларда Ғарб давлатларининг ўрни катта бўлиб, уларнинг барчаси Хитойда устун мавқега эришиш ва шу сабаб Хитойнинг чегара ҳудудларида мустаҳкам плацдармга эга бўлиш учун курашни фаоллаштириб юборишган эди.

Қудратли давлатларнинг Кореяга кириб келиши ва ундаги устунлик учун курашлари турли кўринишларда ва усулларда олиб борилди. Россия Корея масаласида ўзининг ташқи сиёитини қўшничилик нуқтаи назаридан олиб бориб, устунлик учун курашда Хитойнинг имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилган бўлса, Буюк Британия ва АҚШ бошқача йўлдан боришади. Улар Япониянинг қўли билан ўзларининг Узоқ Шарқдаги мавқеини мустаҳкамлашга ва ушлаб туришни режалаштиришган.

Россия ўзининг Кореядаги миссиясини имкон қадар ҳукуматдаги ўзига ҳайрихоҳ бўлган гуруҳлар ёрдамида самарали амалга ошириш учун уларни ҳарбий жиҳатдан қўллаб қувватлайди. Улар Кёнбоккундаги қирол саройини

эгаллаш ва шу орқали қиролни японлар таъсиридан озод қилишни режалаштирган аммо режа амалга ошмайди. Россиянинг вакили К. И. Вебер Корея ҳукумати вакиллари билан музокаралар олиб бориб, қирол Кочжон Россиянинг қўллашига ва шу орқали Япониянинг таъсиридан чиқиб кетишни режалаштиради.¹

Россиянинг ёрдамида Кочжон дарҳол эркакларнинг сочларини олиб юришлари тўғрисидаги қарорни бекор қилади. Ундан ташқари қирол японпараст ҳукуматнинг аъзоларини қўрқитиб қўйиш ва ўз томонига ўтишларини таъминлаш мақсадида уларнинг етакчиларини қатл қилишга буйруқ беради. Ҳибсга олинганлар орасида Ким Хончжип, Чон Бёнха, О Юнчжуна кабилар бўлиб, улардан ташқари яна кўплаб етакчилар Японияга қочиб кетишга улгуради.

Кочжон Россиянинг дипломатик қўллаши сабаб мамлакатда Россиянинг устунлигини таъминлаш учун янги қарорлар чиқара бошлади. Император Николай II нинг 1896 йил 22-24 май кунлари бўлиб ўтган тож кийдириш маросимида ҳам муносабатлар яхшилиги сабабли Кореядан Мин Ёнхван (1861-1905) бошчилигидаги дипломатик миссия ҳам иштирок этади.²

Тантанали маросим якунига етганидан кейин корейлик делегатлар Санкт-Петербургдаги музокараларда иштирок этиш учун яна бир неча ой Россияда қолишади. Улар бешта асосий масалани муҳокама қилишади. 1) Кореяга рус ҳарбий мутахассисларини юбориш; 2) Корея ҳукумати таркибига рус маслаҳатчиларини тайинлаш; 3) қиролнинг шахсий гвардиясини бошқариш; 4) Сибир телеграф тармоғини Кореянинг шимолидаги телеграф тармоғи билан бирлаштириш ва Кореяда янги телеграф тармоқларини қуриш; 5) Кореяга Япония олдидаги 3 млн иен миқдоридаги қарзини қайтариш учун заём ажратиш.

¹ Курбанов С. О. История Кореи: с древности до начала XXI в. — СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2009. с. 221

² Курбанов С. О. История Кореи: с древности до начала XXI в. — СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2009. с. 222

Корея учун музокаралар омадли якун топган деб ҳисобланган. Сабаби Россия томони фақатгина қиролнинг шахсий гвардияси масаласига ижобий жавоб қайтарган эди. Бошқа масалалар қисман очик қолади ва бу Россиянинг Япония билан муносабатларини ёмонлаштирмаслик учун эди. Ундай бўлсада, музокаралар якунига етганидан кейин дарҳол Бош штаб полковник Д. В. Путят бошчилигидаги ҳарбий мутахассислар гуруҳини Кореяга элчилар таркибида бўлган Мин Ёнхван билан бирга юборади. Тез орада Корея армиясини ислоҳ қилиш режаси тайёр бўлади. 1897 йил Кореяга Россия божхона бошқармаси вакили К. А. Алексеев етиб келади ва у тез орада Корея Молия вазирининг боў масалаҳатчиси этиб тайинланади. 1897 йил декабарда Рус-Корейс банки ташкил этилади ва у янги ҳукуматнинг молия соҳасидаги сиёсатини қўллаб-қувватлаши керак эди.³

Умуман олганда Россия Кореяда устун мавқега эришиш учун кураш олиб боради. 1896 йил 14 май куни Сеулда ва шу йилнинг 9 июнь куни Москвада Россия ва Япония ўртасида бир нечта муҳим хужжатлар имзоланиб, уларда Кореяда ҳар иккала мамлакатнинг тенг имкониятларга эга бўлиши кўрсатиб ўтилган эди. Аслида қирол Кочжон Россияга нисбатан симпатияси юқори эди.

Россиядан юқори даражадаги дипломатик миссия келганидан ва музокаралар ўтказгандан кейин, қирол ўзининг маслаҳатчилари ва ҳукумати вакилларига бир неча марта мурожаат қилади ва уларда Кореянинг Россия, Япония ёки бошқа бирор бир Ғарб давлатлари билан алоқаларини устун мавқега кўтариш масаласи кўриб чиқилади.⁴

Шу билан бирга Кореяда мамлакатни таўшқи таъсирлардан бутунлай холи қилиш тарафдорлари ҳам бўлиб, уларнинг етакчиси АҚШ бўлиб турган Со Чжэпхиль (1866-1951) ҳисобланиб, 1884 йил Кореяда давлат тўнтаришига уринишдан кейин АҚШга қочиб кетиб, АҚШда Вашингтон университетини

³ Hulbert Homer Bezaleel. The History of Korea. — Seoul: The Methodist Publishing House, 1905. — Vol. 2 — 274 p.

⁴ Пак Б. Д. Россия и Корея. М., 1979. с.58

тамомлаб, ўша ерда Арстронг фамилияли аёлга уйланади, АҚШ фуқаролигини қабул қилади ва Филип Джейсон исмини олади.

АҚШ ҳукумати қандайдир йўллар билан Со Чжэпхилни сиёсий ва молиявий жиҳатдан қўллаб турган. Бу эса унга 1896 йил 7 апрелда Корея тарихида биринчи марта корейс тилидаги — «Мустақиллик газетаси» («Тоннип синмун») ни ташкил этиш имконини беради. Газетанинг охирги саҳифаси инглиз тилади нашр этилиб, «Индепендент» номи билан номланган. Аммо корейс тарихшунослигида мазкур газета Корея ҳукуматининг ёрдами билан ҳафтада уч марта нашр қилинганлиги кўрсатиб ўтилган.⁵

Со Чжэпхилнинг атрофига ўнлаб корейс ёшлари тўпланган бўлиб, улар ҳам Кореядаги кўзга кўринган оилаларнинг фарзандлари бўлиб, улар Кореяни ислохотлар ва ўзгаришлар орқали озод қилиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Кореянинг тарихий адабиётида Со Чжэпхилнинг АҚШдан Кореяга қайтиши билан боғлиқ бир неча саналар берилиб, уларда: 1894 йил — ислохотлар бошланиши билан, 1895 йил 26 декабрь ва 1896 йил — сиёсий саҳнадан қиролича Мин ва унинг тарафдорлари кетиши билан.

Кореялик яна кўплаб кишилар мамлакатдан ташқарида ўзларининг фаолиятларини олиб бориш билан бирга ислохотларнинг тарафдорлари эди. улардан Юн Чхихо (1865-1946), 1881 йил ҳукумат делегацияси билан бирга Японияга борган, кейинроқ АҚШда таълим олиб, АҚШнинг Кореядаги биринчи элчиси бўлган Х. Футага таржимон сифатида ёрдам берган. У ҳам 1884 йилга давлат тўнтаришида иштирок этган ва АҚШга кўчиб кетган. Ли Санчжэ (1850-1929), Кореянинг мустақиллиги учун ҳаракатнинг энг фаол аъзоларидан бири. АҚШда дипломатик миссия таркибида фаолият кўрсатган. 1890 йилларнинг охирларида жуда муҳим давлат мансабларида фаолият кўрсатган.

Уларнинг фаолиятлари сабаб XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Кореяда жуда мураккаб сиёсий вазият юзага келди. Жамият амалда бир неча

⁵ Тихонов В. М. История Кореи / Тихонов В. М., Кан Мангиль — М.: Издательство «Наталис», 2011. с. 201

гурухга парчаланиб кетди. Ҳукумат таркибида ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кўриш мумкин эди.

Кореяда Япония ва Россия манфаатлари тўқнашар экан қирол Кочжон Корея тарихида алоҳида из қолдиришга ҳаракат қилади. Бунда у Кореяни мамлакат тарихида биринчи марта империя деб эълон қилади. Ўзини эса император деб эълон қилади. Шу билан бир қаторда Кореяга янги ном беради ва бу ном Хитойнинг Мин сулоласи берган (Чосон — «Тонгги тароват») номидан бутунлай фарқ қилиши лозим эди. Кочжон ўз давлатига «Буюк Хан» (Тэ-хан) номини берди. Корейс тилида «Хан» дастлабки учта корейс протодавлати номлари билан боғлиқ эди. Буюк сўзи эса Япониянинг ислохотлардан кейин Буюк Япония империяси номланиши билан боғлиқ бўлиб, Кореяни ҳам шундай буюк империяга айлантиришни орзу қилган.⁶

МУҲОКАМА: Кореянинг Хитой ва Япония билан қўшни эканлигини инобатга олган ҳолда Кочжон 1897 йил 17 августдан янги ҳукумат — кванмунинг янги шиорини эълон қилади. Бу янги шиор «Равшан ва жанговор» деб номланиб, унга кўра янги ташкил этилган Корея қудратли, ривожланган давлат бўлиши лозим эди. Император Кочжон бошқаруви даврида қатор ислохотлар амалга оширилиб, бир томондан монархияни мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, бошқа томондан армия ва бутун мамлакатни замонавийлаштириш мақсад қилинган.

Император тожини кийдириш маросими расмий равишда 1897 йил 12 октябрь куни амалга оширилиб. Кванму ислохотлари тарихий адабиётларда ижобий баҳоланади. Ислохотлар сабаб ҳарбий тизим жорий қилинди. Қуруқлик ва ҳарбий денгиз флоти раҳбарлигини императорнинг ўзи шахсан қабул қилиб олади. 1898 йилда зобитлар мактаби ташкил этилади. Император ҳукумати таълимнинг ривожига, чет тилларини ўрганиш ва техниканинг тараққиётига алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, тиббиёт, ички ва ташқи савдо, янги завод ва фабрикалар, темирйўллар қурилишига ҳомийлик қилади. Ҳукуматнинг

⁶ Тягай Г. Д., Пак В. П. Национальная идея и просветительство в Корее в начале XX в. М., 1996. с. 51

иштироки ва ҳомийлигида Хансон ынхэн («Пойтахт банки») ва Тэхан чхониль ынхэн («Буюк Кореяда Биринчи Самовий банк») ташкил этилади. Тиббиёт тизимида бутун мамлакат бўйлаб кенг қамровли эмлаш ишлари амалга оширилади. Ерга эгалик муносабатларида қонунчилик тартиблари бирмунча ўзгартирилади. Бу соҳадаги қонунлар халқаро стандартларга мослаштирилади. Хориждаги қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар кенг жорий қилина бошлади.⁷

Қудратли Ғарб давлатлари Кореяда ўзининг ҳукмронлигини ўрнатишларига ва ўзларига бўйсиндиришга ҳаракат қилишларига қарамасдан Император Кочжон мустақил ташқи сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган. 1899 йил Хитой билан янги савдо шартномаси имзоланиб, бу шартнома Кореянинг халқаро ҳолатини маълум даражада ўзгартириб юборган эди.

1899 йил янги ҳужжат имзоланиб, у «Буюк Кореянинг давлат қурилиши» деб ном олган. Бу ҳужжат аслида Кореянинг биринчи конституцияси эди. Шу тариқа Корея XIX асрнинг охирларида дунё учун очик, мустақил мамлакатга айланди. Мамлакатнинг барча соҳаларида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ислохотлар бирдек олиб борилган.

ХУЛОСА: Аммо мамлакатнинг жанубий – шарқий қисмида ривожланиб бораётган ва қудрати ортиб бораётган Япония давлати мавжуд бўлиб, ўзининг ташқи сиёсатида босқинчилик ва колониал сиёсатни фаол равишда олиб бормоқда эди. Бу эса ислохотларни бошлаб юборган ва замонавий давлатга айланиш йўлидан бораётган Буюк Корея империяси учун энг асосий хавфлардан бири эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

⁷ Заборовская Л. В. Политика Цинской империи в Корее в 1876-1910 гг. М., 1987. с. 97

1. Hulbert Homer Bezaleel. The History of Korea. — Seoul: The Methodist Publishing House, 1905. — Vol. 2 — 374 p.
2. Заборовская Л. В. Политика Цинской империи в Корее в 1876-1910 гг. М. 1987.
3. Курбанов С. О. История Кореи: с древности до начала XXI в. — СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2009.
4. Пак Б. Д. Россия и Корея. М., 1979.
5. Тихонов В. М. История Кореи / Тихонов В. М., Кан Мангиль — М.: Издательство «Наталис», 2011.

Икки ва ундан ортиқ муаллифлар

6. Тягай Г. Д., Пак В. П. Национальная идея и просветительство в Корее в начале XX в. М., 1996;